

## ТИББИЁТДА ҚҰЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙУРИҚНОМА ГЛЮКОЗА

Препаратнинг савдо номи: Глюкоза

Таъсир этувчи модда (ХПН): декстроза

Дори шакли: инфузия учун эритма

Таркиби:

1 л препарат куйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 50,0 г ёки 100,0 г сувсиз глюкоза;

ёрдамчи модда: инъекция учун сув.

Таърифи: рангиз, тиник суюқлик.

Фармакотерапевтик гурухи: углеводли озиқлантриш воситаси.

АТХ коди: B05CX01

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Регидратация ва дезинтоксикация учун воситадир. Глюкоза организмда оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини кучайтиради, жигарнинг антитоксик функциясини яхшилайди, организмда энергия сарфини қисман тұлдиради, чунки енгил үзлаштирилувчи углеводларнинг манбаси хисобланади.

Гипертоник эритма вена ичига юборилганида қоннинг осмотик босимини оширади, моддалар алмашынуви жараёнларини рағбатлантиради, жигарнинг детоксикацион функциясини яхшилайди, диурезни кучайтиради.

#### Фармакокинетикаси

5% ли глюкоза эритмаси изотоник хисобланади. Декстроза тұқымаларга тушиб, фосфорланиб, глюкоза-6-фосфатга айланади, у организмда моддалар алмашынувининг күпгина бүгінларига фаол киришади. Глюкоза тұқымаларда метаболизмга учраганида организмнинг ҳаёт фаялияты учун зарур бўлган энергия аҳамиятли даражада ажралади. Эритма қон-томир тизимидан тез чиқарилади ва қон-томирларда айланиб юрувчи суюқлик ҳажмини вақтингчалик оширади холос. Организм томонидан тўлик үзлаштирилади, буйраклар орқали чиқарилмайди (қонда декстрозанинг концентрацияси ортиқча бўлганида препаратнинг бир қисми буйраклар орқали чиқарилади).

10% ли глюкоза эритмаси гипертоник хисобланади.

#### Құлланилиши

-хужайра ички, хужайрадан ташқари ва умумий дегидратацияда суюқлик ҳажмини тез тұлдириш учун;  
-токсикоинфекциялар, турли интоксикацияларда;  
-шок, коллапсда (кон үрнини босувчи ва шокка карши суюқликларнинг компоненти сифатида);  
-гипогликемияда;  
-вена ичига юбориш учун қўлланганида, дори воситаларининг эритмаларини тайёрлаш учун қўлланади.

#### Қўллаш усули ва дозалари

Изотоник (5%) эритмаси минутига 7 мл бўлган максимал тезликда (1 минутда 150 томчи ёки соатига 400 мл тезликда) вена ичига томчилаб юборилади.

Катталар учун максимал суткалик доза 2 л ни ташкил этади.

Глюкозанинг дозаси организмнинг индивидуал эхтиёжларига боғлиқ. Моддалар алмашинуви нормал бўлган катталарда юбориладиган глюкозанинг суткалик дозаси суткада 4-6 г/кг, яъни суткада тахминан 250-450 г дан ошмаслиги керак, бунда юбориладиган суюқлик ҳажми суткада 30-40 мл/кг ни ташкил этади. Моддалар алмашинувининг жадаллиги пасайганида суткалик доза 200-300 г гача камайтирилади.

Ёғлар ва аминокислоталар билан бир қаторда парентерал озиқлантириш учун болаларга биринчи кунида суткада 6 г/кг, кейинчалик – суткада 15 г/кг гача юборилади. Дозани ҳисоблашда юборилиш мумкин бўлган суюқликнинг ҳажмини эътиборга олиш керак: тана вазни 2-10 кг бўлган болалар учун суткада 100-165 мл/кг, тана вазни 10-40 кг бўлган болалар учун суткада 45-100 мл/кг юборилади.

Препаратни юборилиш давомийлигини қон зардобидаги глюкозанинг концентрациясини назорати остида амалга ошириш керак. Гипертоник эритма (10%) фактат вена ичига 20-40-50 мл дан юборилади. Зарурат бўлганида суткада 300 мл гача бўлган эритма томчилаб юборилади.

Глюкозани тезроқ ва тўлиқроқ ўзлаштирилиши учун баъзида бир вақтда инсулин юборилади (тери остига 4-5 ТБ дан).

### **Ножъя таъсирлари**

Гипергликемия, иситма, қўнгил айниши, полидипсия, гиперволемия, ўткир чап қоринча етишмовчилиги, ионлар мувозанатини бузилиши (гипокалиемия, гипофосфатемия, гипомагниемия, гипонатриемия), меъда ости безининг инсуляр аппаратини сусайиши, юборилган жойда енгил оғриқ, тромбофлебит, аллергик реакциялар (тери тошмаси, ангионевротик шиш, анафилактик шок) бўлиши мумкин.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- қандли диабет;
- гипергликемия;
- гиперлактацидемия;
- гиперосмолляр кома;
- циркулятор бузилишлар;
- мия шиши, ўпка шиши, ўткир чап қоринча етишмовчилиги;
- глюкозани утилизациясини операциядан кейинги бузилишлари;
- гипергидратация;
- препаратнинг компонентларига юкори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Глюкоза меъда-ичак йўлларидан натрийни сўрилишини осонлаштиради. Препаратни аскорбин кислотаси билан бирга буориш мумкин. Инсулинни 4-5 г глюкозага 1 ТБ ҳисобида бир вақтда юбориш глюкозани тўлиқ ўзлаштирилишига ёрдам беради. Глюкоза етарли даражада кучли оксидловчи бўлганлиги сабабли, уни гексаметилентетрамин билан бир шприцда юбориш мумкин эмас.

Глюкозани алкалоидларнинг эритмалари билан (уларни парчаланиши юз беради), умумий анестетиклар ва ухлатувчи воситалар билан (уларнинг фаоллигини пасайтиради) аралаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Глюкоза оғриқ қолдирувчи воситалар, адrenomиметик воситаларнинг таъсирини ҳам сусайтиради; стрептомицинни фаолсизлантиради, нистатиннинг самарадорлигини пасайтиради.

Оsmолярликни ошириш учун 5% ли глюкоза эритмасини натрий хлоридининг изотоник эритмаси билан мажмууда қўллаш мумкин.

## **Махсус күрсатмалар**

Эритманинг катта ҳажмларини тез инфузия килиш ёки узоқ муддат құллаш шишига ёки сувли интоксикацияга, жигарнинг функционал холатини бузилишига ва мөъда ости безининг инсуляр аппаратини сусайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун шишилари, буйрак функциясини бузилиши, декомпенсацияланган жигар циррози бұлған беморларда суюқликни қабул қилишни чеклаш керак. Электролитларни катта миқдорини йүқотилиши бұлған беморларга глюкозанинг катта ҳажмларини юбориш ҳавфли бұлиши мумкин. Гипергликемияни соғайиш жараёнига салбий таъсири борлиги сабабли, глюкоза эритмасини үткір ишемик хуружлар үтказилганидан кейин буюриш мумкин эмас.

Эритма юборилган жойда инфекциялар, тромбофлебит, шунингдек қон қуйилганида тұқималар некрози ривожланиши мумкин. Бундай реакциялар автоклавдан кейин пайдо бўлувчи маҳсулотларни парчаланиши натижасида, ёки препарат нотўри юборилганида юзага келиши мумкин. Вена ичига юборилиши электролитлар алмашинувини бузилишига, шунингдек гипокалиемияга, гипомагниемияга ва гипофосфатемияга олиб келиши мумкин. Пациентларда бундай ножӯя самаралар ривожланишини олдини олиш учун препаратнинг дозаси ва юборилиш усулига қатъий риоя қилиш ва организмдаги кислота-ишқор мувозанатини назорат килиш керак.

### *Огоҳлантириши ва эҳтиёткорлик чоралари*

Суюқлиги хидалашган ёки қопқоғи бўш ёпилган флаконларни ишлатиш мумкин эмас.

### *Педиатрия амалиётида қўлланиши*

Глюкозани күрсатмаларга мувофиқ құллаш мумкин.

### *Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши*

Глюкозани она учун даволашдан кутиладиган фойда ҳомила ва бола учун бўлиши мумкин бўлған потенциал ҳавфдан устун бўлсагина құллаш мумкин.

### *Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариши қобилиятига таъсири*

Таъсир күрсатмайди.

## **Дозани ошириб юборилиши**

**Симптомлари:** ножӯя таъсир қилиш симптомлари кучаяди. Гипергликемия юзага келиши мумкин. Глюкозанинг миқдори ошганида (55 ммоль/л дан юқори, баъзан 100 ммоль/л ва ундан юқорироқ) гиперосмоляр кома ёки шок кузатилиши мумкин. Бу ҳолатларнинг патогенезида сув ва электролитларни қон-томир ҳавзасига осмотик үтиши, шунингдек полиурия асосий роль үйнайды. Бунда шиддатли дегидратация ва ҳужайраларни сувсизланиши, гемоконцентрация, қоннинг коагуляция тизимини фаоллашуви ривожланади, бу кўпинча артерияларда ва веналарда маҳаллий ва диссеминацияланган тромбларни ҳосил бўлишини чақиради.

## **Чиқарилиш шакли**

Препарат 100, 200, 250, 400 ва 500 мл дан полипропилен халқа-тутқичли, резина асосли полипропилен қопқоқ билан беркитилган ва флаконга пайвандланган очиш учун узиб олинадиган ҳалқали қалпокча билан таъминланган флаконларда.

30, 40, 100 ёки 200 флакондан, флаконлар сонига мос равишдаги давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўлланишига доир йўриқномалари билан бирга гурухли қутига жойланади.

## **Сақлаш шароити**

Ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган хароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

## **Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати үтгач қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**  
Рецепт бўйича.

**Ишлаб чиқарувчи**

«Kelun-Kazpharm» (Келун-Казфарм) МЧЖ,  
Олма-ота вилояти, Қорасарой тумани, Елтай к/х, Кокозек қишлоғи

**Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгасини номи ва мамлакати**  
«Kelun-Kazpharm» (Келун-Казфарм) МЧЖ, Қозогистон

**Қадокловчи-ташкилот номи ва мамлакати**

«Kelun-Kazpharm» (Келун-Казфарм) МЧЖ, Қозогистон

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар  
(таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**  
“FAGUSAL” МЧЖ

100005, Тошкент ш., Миробод тумани, Иноқобод берк кўча №1, 7 “А” уй  
Тел.: + 99871 291 11 98; + 99871 283 30 71.